

**Тасдиқлайман"**  
**"Сурхондарё ҲЭТК" АЖ**  
Капитал қурилиш бўйича  
директори

Х.Х. Жураев

2022й.

Сурхондарё вилоятининг Денов тумани ва унинг марказини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирлари дастурини амалга ошириш бўйича Республика ишчи гуруҳининг 9-сонли йиғилиш баёнида берилган топирикга асосан Денов тумани "Лочин" маҳалласида энергия тежамкор лойиҳалар асосида қурилаётган янги замонавий кўп қаватли (9, 12, 14 ва 16 қаватли) уй-жойлар массивини ташқи электр энергияси билан таъминлаш мақсадида қурилаётган 35/10 кВли подстанция ва 35 кВли электр тармоғи учун "Атроф муҳитга таъсири тўғрисидаги хулоса" олиш учун танлов ҳужжатлари

Танлов ҳужжатларининг мазмуни:

1. Танлов иштирокчилари учун йурикнома
2. Техник қисм
3. Нархлар қисми

**Танлов иштирокчиси учун йурикнома: Танлов предмети ва тахминий қиймати**

1. Денов тумани "Лочин" маҳалласида энергия тежамкор лойиҳалар асосида қурилаётган янги замонавий кўп қаватли (9, 12, 14 ва 16 қаватли) уй-жойлар массивини ташқи электр энергияси билан таъминлаш мақсадида қурилаётган 35/10 кВли подстанция ва 35 кВли электр тармоғи учун "Атроф муҳитга таъсири тўғрисидаги хулоса" олиш учун.

1.2. Хизмат бўйича техник топширик танлов ҳужжатларининг техник қисмида илова қилинган. Ушбу танлов якунлари бўйича голиб чиққан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.

1.3. Ишларни бажариш муддати: Голиб булган катнашчи билан шартнома имзоланган кундан бошлаб тузилган нуксон далолатномасига асосан белгиланган график бўйича.

1.4. Ишларни бошлаш муддати: аванс маблағи утказилган кундан бошлаб ҳисобланади.

**2. Танлов ташкилотчилари**

2.1 Сурхондарё вилоят ҳудудий электр тармоқлари қорхонаси АЖ (бундан кейин "Буюртмачи" деб аталади) танлов ташкилотчиси ҳисобланади.

2.2 Танлов "Буюртмачи" томонидан танловлар утказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан утказилади.

2.3 Танлов Сурхондарё вилоят ҳудудий электр тармоқлари қорхонаси АЖ "Буюртмачи" томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда утказилади.

**3. Танлов иштирокчилари**

3.1 Танлов мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар қуратишга ихтисослашган, камида 3 йил тажрибага эга булган барча юридик мақомга эга булган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2 Танловда иштирок этиш учун талабгорларга малакавий талаблар қуйилади. Танлов предмети ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур булган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги, объектнинг мураккаблик даражасига қараб, "Лицензия" ва "Гувоҳнома" 684-Қонун 13-моддасига риоя этилиши шарт. -Моддий-техника базаси ҳамда ташкилотнинг оргтехника руйхати усқуналар

-Бахтсиз ходисалар булган вазиятларда ишчи ходимларнинг ҳаёти сугурталанганлиги -

Техника ҳавфизлиги қоидаларига риоя қилиш талаблари ҳамда йурикномалари

-Ишчи ходимларнинг диплом нусхалари, меҳнат дафтарчалари ёки mehnat.uz сайти орқали руйхатдан утганлиги тўғрисидаги ҳужжат

-Бажарилган ишларга бериладиган қаноат муддати

-Шу соҳада олдин қилинган ишлари бўйича буюртмачилар берган тавсифномалари

3.3 Агар танлов предмети булган ишлар (хизматлар) бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан



лицензиялаштириш зарур булса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофик тегишли лицензияга эга булган талабгорларга рухсат этилади.

3.4 Куйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди: кайта ташкил этилиш (ажралиши, кушилиши), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол мулки мусодара килинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошка шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-хукукий ёки бир бирига молиявий карамлиги мавжудлар.

#### 4. Танловда иштирок этиш учун таклифларни такдим этиш

4.1 Танлов учун таклифлар ва унта тегишли иловалар ва хужжатлар маълумотлар “Буюртмачи” ва “Иштирокчи” ихтиёрига кура узбек ва рус тили да такдим этилиши мумкин.

4.2 Танлов хужжатларида куйидагилар такдим этилиши лозим:

Техник қисм: “Буюртмачи” томонидан куйилган техник талабларни ва бажариладиган иш ва хизматлар курсатилиши керак.

Нархлар қисми: Танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш муддатлари, туловлар тартиби ва якуний туловлар ва бошка боғлиқ курсаткичлар курсатилган булиши керак.

Танлов иштирокчилари ҳар бир таклифларни яхлит холда тикилган, номерланган ваколатли шахс имзоси ва муҳри билан тасдиқланган холда ёки ҳар бир варағини муҳрлаб тасдиқлаган холда такдим этишлари лозим.

4.3 Куйидаги хужжатлар тулик булиши талаб этилади:

Техник ва нархлар буйича куйидаги таклифлар:

Техник хужжатлар руйхати (брошюралар, техник паспортлар ёки ухшаш хужжатлар руйхатинома килинади);

Нархлар таклифи ва нархлар буйича жадвал тулдирилиши ва илова килилиши лозим.

4.4 Танлов иштирокчиси:

фақат битта таклиф бериши мумкин, такдим этилаётган хужжатларнинг ҳақиқийлиги ва маълумотларнинг ҳаққонийлигига тулик жавобгар булади, таклифлар бериш муддати тугагунга қадар уз таклифларини қайтариб олиш ёки узгартириш ҳуқуқига эга.

#### 5-Таклифларни такдим этиш муддатини узайтириш

5.1 Харид комиссияси танлов учун таклифларни қабул қилиш муддатини барча иштирокчилар учун таълуқли холда эълон қилинган муддатдан яна 5 календар кунга узайтириш мумкин.

5.2 Таклифлар муддатини узайтирилиши фақат харид комиссияси йигилиши қарори асосида амалга оширилади.

5.3 Танлов муддатини узайтириш тугрисидаги қарор махсус ахборот порталида жойлаштирилиш лозим.

#### 6. Томонларнинг жавобгарлиги

6.1 давлат харидлари тугрисидаги Қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар буладилар.

6.2 Харид комиссияси давлат харидлари буйича қонунчиликда белгиланган тартибда голиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш буйича мажбурдир.

6.3 Танлов иштирокчиси такдим этилган барча хужжатларни ҳақиқийлиги ва тугрилигига жавобгардир. Голиб иштирокчи деб топилгандан сунг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюрмачиси билан Урнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

#### 7. Бошка шартлар

7.1 Давлат буюрмачиси танлов хужжатларига Узгартиришлар қиритиш тугрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан қаида уч кун олдин қарор қабул қилишга ҳақли. Товари (ишни, хизмати) Узгартиришга йул қуйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов хужжатларига Узгартиришлар қиритилган санадан эътиборан қаида ун кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда агар эълонга Узгартириш қиритилади.

7.2 Танлов иштирокчиси танлов хужжатлари қоидаларини танлов утқазиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига суров юборишга ҳамда суров қелиб тушган санадан эътиборан икки иш қуни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур суров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан қаида икки кун олдин қелиб тушган булса, ушбу суровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов хужжатларининг қоидаларига дойр тушунтиришлар уларнинг мазмун- моҳиятини узгартирмаслиги керак.

7.3 Таклифларни қуриб қикиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган қучирма у имзолаган кундан эътиборан уч иш қуни ичида махсус ахборот порталида эълон қилинади.

7.4 Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни қуриб қикиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сунг давлат буюртмачисига танлов натижаларига дойр тушунтиришларни такдим этиш тугрисида суров юборишга ҳақли. Давлат буюртмачиси бундай суров қелиб тушган санадан эътиборан уч иш қуни ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни такдим этиши шарт.

7.5 Танлов натижалари буйича шартнома танлов хужжатларида ва узи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда курсатилган шартлар асосида тузилади.